

Самарқанддаги Анъанавий Уйларини Қайта Тиклаш Ва Сақлаш

Бакиев Шероз Азизович¹

Аннотация: Маколада Самарқанддаги анъанавий уйларини қайта тиклаш ва сақлаш, турар жой бинолари меморчилигининг типологик томонлари, уларни лойихалаш, ҳозирги замон қурилиш материаллари ва конструкцияларининг уйғунлаштирилган конструктив тизимлар келтирилган.

Калит сўзлар: Анъанавий уйлар, турар жойлар, ҳовлили уйлар, меморчилик, қурилиш материаллари, конструкциялар, компазиция.

Турар жойлар хаётимизнинг кўп қисмини ўз ичига олган микродунё десак бўлади. Шу микродунёнинг қулай шинам ва гўзаллиги бизнинг маънавий, маъданий ва ижтимоий ҳаёти шу қўзгузисидир. Унинг гўзаллиги ихчам бўлиши ҳозирги кунда ҳам, келажакда ҳам меморларимиз, қурувчиларимиз қолаверса ҳар бир оила учун муҳим бўлиб қолади. Халқ меморчилигига уй ҳажмий ва фазовий компазицияси ўша жой муҳити, табиити, иқлим шароити таъсири остида ривожланган. Бу халқ уйларидан, айниска Хоразм, Бухоро ва Самарқанд халқ уйлари. Табиий-иқлимий шароити ҳисобга олишда намунадир. Масалан: бу уйлarda қишки ва ёзги гурухларга ажратилган бўлиб, ёзги гуруҳидаги хоналар фақат шимолга ва қишки хонолар баландлиги 4,5-6метргача, бўлиб, ёзги хона вазифасини бажариб қолмай, балки шимолдан ҳаётга эсаётган совук оқимни ҳовлига йўналтириш вазифасини ҳам ўтайди. Табиий-иқлим шароитининг ҳисобга олишда халқ анъанавий уйларининг ҳажмий ва фазовий компазициясида айвонлар системаси (уй фронтининг олдида, бир устумли, жуфт устумли алоҳида устумлар галерияси.) «Фаргонада» «Кашкacha», «Тошкентда», «Шийпонча», Бухоро ва Самарқанд, Хоразм халқ уйларида ёзги гурухида ханаларнинг фазовий ечимларини системалари уйғунлиги яққол мисолдир.

Ўзбекистон Республикасида замонавий 1-2 қаватли ҳовлили турар жой бинолари меморчилигининг типологик томонлари, уларни лойихалаш, қуриш ва фойдаланиш буйича тўпланган илғор тажрибалар, шунингдек халқ меморчилигидаги анъаналар, турар жой биноларининг иқлим шароити ҳар хил бўлган районлар буйича янги замонавий типларини яратиш, уларнинг меморий ва функционал ечимлари, ҳажмий-режавий параметрларини такомиллаштиришга багишлиланган қатор амалий илмий ишлаб чиқилди ва қурилиш меъёрий ва қоидаларига киритилди (расм 3.4).

Турар жой бинолари типларининг бундай табиий районлари буйича табакаланиши, республикамиздан кейинги йилларда лойихалаш тажрибасида ортирилган илғор кам ҳовли қаватли турар жой уйлари қишлоқ ва шаҳар қурилишда кенг қўлланила бошланди. Уйларни бундай лойихалаш ва қуриш тажрибасида жойлардаги халқнинг қадимий илғор анъанавий услубларини ривожлантиришни ва халқ меморчилигидаги илғор анъаналарни қурилиш тажрибасига кенг ёйишга сезиларли даражада ёрдам беради. Бугунги кунда 1-2 қаватли замонавий турар жой бинолари замон талаби билан янгидан янги талабларни келтириб чиқмоқда ва ортиб бормоқда.

Жумладан, иқтисодий социал - демографик, меморий-бадиий ва табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиши билан боғлиқ бўлган, ҳамда санитария-гиgiene талаблари ва бошқалар. Ана шундай талаблар шаҳар ва қишлоқларда қуриладиган 1-2 қават турар жой биноларининг шакллантиришидаги ўзига хос замонавий талаблар ва омиллар сифатида рўёбга чиқмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг меҳнат шароити ва турмуш тарзи яхшиланиб маданий савиаси ошиб борган сайин, уларнинг турар жойларига ва умуман яшаш шароити ва муҳитига ошиб бораверади ва натижада турар жойлар архитектурасига бўлган бадиий-эстетик талаблари тобора замонавийлашиб, кўп қиррали бўлиб бораверади.

Республикамиз шаҳар тарихий қисмida қурилаётган 1-2 қаватли турар жойларда энг кўп тарқалган уйлар типи - бу ҳовлили якка тартибда, Евро Осиё типида улар лойихаланмоқда ва кўрилмоқда. Бундан ташкари, бу турар жой уйлар кўп болали ва бир неча авлоддан таркиб топган мураккаб оиласаларга мўлжалланган.

Ҳозирги вақтда ҳовлили уйлар мажмуаси тарихий шаҳар ва қишлоқ қурилишида алоҳида ўзининг иқтисодий-ижтимоий функционал ва конструктив қулийликлари билан афзал бўлиб қолмоқда. Бундай уйларни қуриш вақтда кичик, ўрта шаҳар ва қишлоқ қурилишининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб давлатимиз томонидан ҳам қўллаб-куватланиб келинмоқда.

Кейинги йилларда республика архитекторлари томонидан тарихий шаҳарларга 1-2 қаватли янги лойихалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шулар жумласидан, тарихий шаҳарларнинг айниқса Самарқанд шаҳри оиласаларнинг муракаблигини ҳисобга олиб лойихалашдаги такомиллашган услубиятларни ва қурилишда ер релифи ва атроф

¹ Гид экскурсовод ансансбляя регистон

мухитни эътиборга олиниб ишланган уй-жойлар лойиҳаси ҳомда куёш энергиясидан фойдаланишга мўлжалланиб курилган уйлар ҳам киради.

Бу уйларда тарихий шаҳар ҳаётининг ижтимоий ва маданий жиҳатлари, табиий - иқлим шароитлари билан бир қаторда тежамкорлик омиллари, илғор техник ва конструктив ечимлар, замонавий меъморий-бадиий талаблар ҳам эътиборга олинган.

Халқ-анъанавий уйлари асосида мана шу услугуб ётади, яъни оила талабларига бўлиб, бу ўсиш ҳовлили уйларда оиланинг катта-кичиклигига бир неча маротаба ўзгариш мумкин. Бу услуг шаҳар ва қишлик оилалари учун жуда кулад бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ўсуҷчан уй ғояси замонавий 1-2 қаватли ҳовлили туар жой биноларини лойиҳалашда асосий тамоиллардан бири бўлиб қолиши керак. Республикаиздаги тарихий шаҳарларга шу жумладан Самарқанд шахри оилаларининг ижтимоий-демографик ва иқтисодий талабларига кўра: бир қаватли уйлар 3,4,5, ва 7-хонагача, 2-қаватли уйлар 4-10 хонали, ва уларнинг намунали лойиҳалари яратилди ва иш лойиҳалар асосида курилмоқда. (расм 3.5, 3.6)

Самарқанд табиий- иқлим шароитига мос келадиган кам, урта ва юқори даромадли оилаларга мўлжалланган. Шарқ ва гарб мамлакатларида курилган замонавий 1-2 қаватли туар жой биноларини лойиҳалаш ва қурилиши илғор тажрибаларни таҳлил қилиб чиқилди. Анъанавий уйлар асосида 1-2 қаватли ҳовли туар жой уйларнинг ҳажмий - режавий ва архитектуравий ечимлари. Республикаизз Бош қомусида, ҳамма мулкларга рухсат берилгандан кейин, замонавий 1-2 қаватли туар жой биноларининг янги типларига эҳтиёж ошиди ва шу бино мажмуаларининг ривожланишига асос бўлди. Самарқанд шаҳрининг Вобкент кўчасини қайта тиклаш. Шу боисдан диссертацияда ҳар хил даромадли оилалар учун 1-2 қаватли ҳовли туар жой уйларнинг 5-та тури ишлаб чиқилди. Бу лойиҳаларнинг асосида юқори кўриб чиқилган омиллар, яъни ҳар хил даромадли оилаларнинг иқтисодий, социал-демографик ва қасбий йўналишлардан келиб чиқиб қуидаги туар жойларнинг типологик қатори ишлаб чиқилди:

Дахлиз-холл-анъанавий меҳмонхона; Евро шарқ стандартидаги меҳмонхона+кабинет (библиотека ёки оила бошликларини қасбий йўналишидан келиб чиқиб унинг тури узгаририлиши мумкин.) Қишики боғ + атриум: Ошхона ва овқатланиш зонаси; Меҳмонхона+кабинет+Атриум; Ётоқхоналар+ривожлантирилган сангигиеник хоналари+ёзги хоналар. Сауна+бассейни+спорт зали-тренажёр зали, бильярд ва бошқалар.

Бу типдаги туар жой биноларининг ҳажмий вафазовий композициясининг марказида 1-2 типологик қатор жойлаштирилиб, уларнинг чап ва ўнг томонларидан тўғри чизиқ бўйлаб ётоқхоналар типологик сафлари жойлаштирилди. 3-5 типдаги туар жой биноларининг ҳажмий ва фазовий композициясининг марказида 1-2 типологик қатор жойлаштирилиб, уларнинг марказидан 3-та нур чиқарилиб, чап ва ўнг томонидан тўғри чизиқ бўйлаб ётоқхоналар ва 3-нчи тўғри чизиқли нурга 1-5 типологик қатор жойлаштирилди. Натижада яратилган лойиҳалар Самарқанд шахри табиий-иқлимий шароитга тарихий қисми шароитига ва ҳар хил даромадли оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий, демографик хўжалик, тадбиркорлик талабаларига тўлиқ жавоб беради. (расм 3.5,3.6)

Участканинг бош режаси, ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш Самарқанд шаҳрининг табиий-иқлимий шароитдан келиб чиқган ҳолда участканинг бош режаси миллий боғдорчилигимизнинг чорбоғ усули асосида ва ҳар хил мураккаб реълеф билан бирга ишлаб чиқилди. Бино чорбоғ усулининг марказий ўқлари кесишган жойга жойлаштирилди. Кўча томонидан марказий ўқда асосий нафис ишланган кириш жойи, дарвозахона ҳам чап ва ўнг томонда машиналар учун тўхтам майдончаси ва гаражлар жойлаштирилган.

Ҳаммамизга мальумки, ҳовлини сарамжонли кулад, арzon, чиройли уй қуриш сарамжон тутиш, уй курган ҳар бир оиланинг орзу-ниятидир. Бу ишлар қанча тўла ва сифатли бажарилса оила ҳаётини шунча файзли ва ширин кечади, ҳовлидан фойдаланиш осон ва серунум бўлади. Шу боисдан чорбоғ услубида ҳовли майдонларини функционал зоналарга бўлишиб чиқилди. Бинонинг олдинги қисмида марказий ўқга асосий кириш жойи жойлаштирилди. Асосий кириш жойи (нафис ишланган дарвоза хона) бош ўйлак, хиёбон бинонинг марказий кириш жойи билан туташтирилган.

Бу ерда фавворолар, ҳовузлар, мўжаз кичик архитектуравий шакллар мажмуалари берилган. Функционал мажмуаларда мевали ва манзарали дараҳтлар бинонинг фазовий-ҳажмий уйғунлигига ечишган. Керакли жойда майсазорлар, гулзорлар ва табиий элементлари ландшафтлар билан ечишган.

Булардан ташқари, хўжалик ва тадбиркорлик ишларини бинода ва участкада қандай жойлаштириш, уларнинг усуслари берилган. Бир типда, юқорида келтирилганимиздек фақат оиланинг кундалик турмуш тарзи, дам олиши, меҳмонларни кўриб олиш маросимлари ва бошқаларни ўтказишга тўлиқ жавоб берадиган қисми ишланган бўлса, 2-нчи типдаги ҳовлини уйларда, оиланинг хўжалик тадбиркорлик боғдорчилик, полизчилик иссиқхона ва чорвачилик билан шугулланиши учун кўп функцияли ҳовли ўсуҷчан типининг лойиҳаси берилди.

Бу борада хўжалик юритувчи ишчилар учун Самарқанд ва вилоятлар дехқонлари томонидан ишлаб чиқкан илғор технологиялар асосида кам қаватли ҳовли туар жой уйларнинг турларининг схемалари ишлаб чиқилди.

Курилиш материаллари ва конструкциялари ва улардан Рационал фойдаланиш. Ўзбекистоннинг ҳар бир районидаги уй жой қурилиши ўз иқлимий шароитларига кўра ҳар хилдир. Чунончи, Фарғона ва Қашқадарё уйлари оғир вазнили, кенг қамровли қилиб қурилган бўлса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм, минтақаларида ёғоч синч

конструкциялари қўлланилган, бу ўзига хос усуллардир бу ҳар бир жойнинг табиий иқлими, зилзила даражасига талабларига тўлиқ жавоб беради.

Чўпкори синчли конструкцияли уйлар пахса ёки ғиштли конструкцияли уйларга қараганда мустахкамроқ ҳамда жуда кам майдонни эгаллайди. Бундан ташқари чўпкари-синчикли конструкциялар уйларнинг интеръерини ташкиллаштиришда катта имкониятлар беради ва турар жойларни лойиҳалашда кенг фойдаланиш керак бўлади.

Шундай қилиб, ҳалқ уйлар анъаналари ва ҳозирги замон қурилиш материаллари ва конструкцияларининг уйғунлаштирилган конструктив тизимлар танланади булар:

- ✓ Ёғоч синчли конструкциялар;
- ✓ Пишиқ ғиштдан ишланган конструкциялар;
- ✓ Монолит ва пишиқ ғиштдан ишланган конструкциялар;
- ✓ 12 м-1,2 м модул танланади.

Улар асосида тарихий шаҳарларнинг анъанавий уйларини қайта тиклаш ва замонавий ҳам қаватли уйларнинг конструктив тизимларни ечилишида тавсия этилади.

Хулоса қилиб шуни айтаманку:

1. Тарихий шаҳарларни қайта тиклашда, тарихий ва меъморий обидаларни қайта тиклаш бир қаторда маҳаллалар ва уларнинг уй-жойларни қайта тиклаш ва сақлаш борасида ишда танлаб олинган объект – «Самарқанд шаҳри, Зарафшон кўчаси ва Тиллакори мадрасасининг атрофидаги Вобкент маҳаллари ва уларнинг марказларини қайта тиклаш лойиҳаси»ни бажариш
2. Шу стратегия ва аналитика асосида Вобкент кўчаси ва уларнинг уй-жойлари ва марказларининг ҳозирги холати, турар жой уйларининг архитектуравий жиҳатдан қимматлигини аниқлаш, турар жойларнинг умумий холатини аниқлаш, турар жой уйларни қисман қайта-куриш ва таъмирлаш, турар жой уйларни тўлиқ реконструкция қилиш, қайта тикланмайдиган уйларнинг ўрнига янги турар жой уйларни кўриш.
3. Австриялик архитектор томонидан XIV – асрдаги А. Темур шаҳрининг аксонометрик қайта тиклаш лойиҳаси берилган ва уша даврдаги шаҳарнинг қиёфаси яхши тикланган. XIV-XV асрлар Ўрта Осиё ренесане даври бўлганлиги Самарқанд шаҳрини Дунё тан олганлиги ва жаҳон пойтахти образини Австралийлик архитектор лойиҳада исботлаб берган.
4. Анъанавий ҳалқ уйларни таъмирлаш ва қисман қайта тиклаш буйича узларининг конструкциялардан фойдаланиб тикланади ва замонавий қурилиш материаллардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланилади.
5. Қайта тикланмайдиган турар жой уйларнинг ўрнига лойиҳаланаётган 1-2 қаватли уйларнинг конструкциялари қўйидагича бўлиши мумкин: ёғоч синч конструкциялари пишиқ ғишт деворли конструкциялар, монолит ва пишиқ ғиштдан ишланган конструкциялар.
6. Тарихий антанавий турар жойларда меъморий шаклларнинг жумладан, айвон, хўжалик бинолари, устундар, деворий накишлар, тури архитектуравий элементлар, ҳовли муҳити ва анъаналар билан боғлиқ элементларни замонавий архитектурада қўлланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 142 б.
2. Архитектурные памятники Средней Азии, Бухары, Самарканда. - Л.: «Аврора», 1969. - 126с.
3. Асанов А. Памятники архитектуры средневекового Хорезма. -Ташкент: «Фан», 1971. - 104с.
4. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. - Ташкент: «Фан», 1977. - 164с.
5. Аскаров А.А. Сапаллитепа. – Ташкент: “Фан”, 1973. - 172 с.
6. Ахмедов М.К. Архитектурные ансамбли и вопросы организации городского пространства в средневековом зодчестве Средней Азии. / Культура Среднего Востока. Градостроительство и архитектура. – Ташкент: «Фан», 219с.